

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 270 (4965).
1 ДЕКАБРЬ 1982 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1986 йил
1 июлда чика бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Кеча Тошкентда ўнинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия «1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида» ги Қонунни ва «Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ҳақида» ги Қонунни қабул қилди.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ



ТОШКЕНТ, 30 НОЯБРЬ. Ўнинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси мажлислар залида.

[ЎЗАГ фотохроникаси]

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 30 ноябрь куни Тошкентда ўнинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Хукумат дозаларида КПСС Марказий Комитети Сибей бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоллигига кандидатлари Е. Айтмуратов, И. Т. Анисимкин, М. М. Музахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудова, Л. Н. Меликумов, У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва республика хукуматининг аъзолари ўтиришибди. Мажлислик Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат А. А. Хўжаев очди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари, депутатлар Т. Охунова, С. К. Канъязов, М. Матқаринов, М. П. Павлов раис столи ёнидан жой оладилар. Депутатлар Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг таниқли раҳбари, халқлар тинчлиги ва дўстлиги учун тоғмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Мандат комиссиясининг раиси депутат З. Исроилова-нинг комиссия номидан қилган докладни юзасидан Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1982 йил 20 июл-

да 274-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган депутати Б. Алламуродовнинг, 1982 йил 20 июлда 281-Турақўрғон сайлов округидан сайланган депутати А. М. Худойбергеновнинг, 1982 йил 19 сентябрда 434-Қува сайлов округидан сайланган депутати В. А. Навроъзовнинг, 1982 йил 3 октябрда 135-Бўз сайлов округидан сайланган депутати С. А. Нишоновнинг ваколатларини ҳақиқий деб топиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Сессиянинг куйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида.
 2. Ўзбекистон ССР 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1981 йилги Давлат бюджети-нинг иқроси ҳақида.
 3. Ўзбекистон ССР Олий Советининг энергетика доимий комиссиясини тузиш тўғрисида.
 4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
- 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари,

республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов доклад қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1981 йилги Давлат бюджети-нинг иқроси ҳақида Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаевнинг докладни тинглади. Депутатлар план-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари депутат Ш. Егубовнинг Олий Совет план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари номидан қилган қўшимча докладини ҳам тингладилар.

Кун тартибидagi дастлабки икки масала юзасидан докладларнинг муҳокамасида депутатлардан К. П. Дудин (3-Фарҳод сайлов округи), С. Х. Хамроқуллов (344-Даштисаб-боло сайлов округи), К. Искандарова (483-Комсомол сай-лов округи), У. Асадов (170-Когон сайлов округи), И. Т. Сорокин (456-Ленинград сайлов округи), М. Эгамбердиев (107-Пахтабод сайлов округи), О. Сўппева (128-Кунзи сайлов округи), Т. Исломов (87-Кўкорол сайлов округи), Х. Исроилов (213-Дўстлик сайлов округи), Р. Раҳмонов (196-Иби Сино номли сайлов округи), Н. Холмирова (357-Оққўрғон сайлов округи), Я. А. Илвади (241-Муборак сайлов округи), А. Рустамов (454-Мулюкбод сайлов округи), В. С. Желонкина (399-Янгичер сайлов округи), А. Мамажонов (282-Шоҳанд сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов,

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаев янгуловчи нутқ сўзладилар.

Олий Совет 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги Қонунни ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети-нинг иқроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети энергетика доимий комиссиясини тузиш. Комиссия составига 21 депутат сайланди. Депутат Ф. Х. Қодиров комиссия раиси қилиб сайланди. Илгари сайланган доимий комиссияларнинг составида айрим ўзгаришлар қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат Г. К. Хайдарова докладини тингладилар.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Фармонларини тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан ўнинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Депутат К. П. ДУДИН нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҳозирги сессияси бундан бир ҳафта олдин бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми ҳамда СССР Олий Совети сессиясининг улкан таъбири остида ўтказилди. Уларда қабул қилинган қарорларда, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг нутқидан экономикаимизнинг кучайиб кетгани, баъзиларнинг ҳозирги аҳолини бахтига қўриқиб қилиниши, партия, бундан совет халқининг КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини амалга ошириш бўлиши улкан иш оқиб берилади, мамлакатнинг социал-иқтисодий таракатининг тезлаштирилиши, бугун дунёда тинчликни таъминлашга қаратилган бир қатор принципиал муҳим қонун ва ҳуқуқсоз илгари сурилди.

Республикаимизнинг барча меҳнаткашлари қатори тошкентликлар КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳамда СССР Олий Совети сессияси қарорларини яқинлик билан маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, юксак меҳнат ва сийёсий кўтарилиш билан вазиятда СССР ташкил этилган йилнинг 60 йиллигини муносабат қилиб олган учун социал-демократик мубокабани янада авж олдириб буюрдилар. Шаҳар саноати қорхоналари коллективлари 25 ноябрь кун буюмларнинг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш

бўйича ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажаришди. Маҳсулотнинг ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришилди. Қурилиш ташкилотлари бир қатор саноат-ишлаб чиқариш майдонларини, катта миқдордаги турар жойларни фойдаланишга топширдилар. «Москва» меҳмонхонаси, Кичилар уйи ва социал ҳамда маданий-маиший бошқа ўнлаб объектлар ҳам муддатидан илгари, юксак сифат билан барпо этилди. Транспорт, алоқа, лойиҳа, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотлари коллективлари ҳам белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминладилар.

Шаҳарнинг 22 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илгори ва новатори улуг Октябрьнинг 65 йиллигига икки йиллик шахсий планларни бажаришда 1600 тошкентлик ўн биринчи беш йилликда ўн ундан ортиқ йиллик топшириқларни бажариш устида қатъият билан иш олиб борди. Партиямиз «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шioriни амалга ошира бориб, шаҳар қорхоналарида шу йилнинг ўн ойи мобайнида 55 миллион киловатт-соат электр энергия, 22 минг

тонна шартли ёқилғи, катта миқдордаги бошқа моддий ресурслар тежаб қилинди. Уларнинг ҳаммасидан СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган коммунистик шавбалик кунда, 18 декабрда фойдаланилади. Тошкентнинг ҳар бир меҳнат ва ўқув коллективиди уш ўтказишга фаол ҳозирлик қилишмоқда. КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, республика пойтахти меҳнаткашлари халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтириши, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш устида астойдил иш олиб боришлар. Ўзининг беш йиллик мобайнида шаҳар саноати 5 миллиард 290 миллион сўмлик ана шуларча буюмларини ишлаб чиқарди. Бу тўғрисида беш йилликдаги қараганда деярлик икки баравар кўпайди. Ҳозирги пайтда 150 саноат қорхонаси ёки шаҳардаги қорхоналарнинг 80 процентини аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқариш билан машғуллар. КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлариди қўйилган вазифаларини бажариш, Осиё-оқоват программасини амалга оширишни Тошкент меҳнаткашлари ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб бил-

мақдалар. Партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари, пойтахтнинг барча илмий-техника ва саноат потенциал куч-гайратини ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотларни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоққа хилма-хил оталиқ ёрдами кўрсатишни кенгайтириш проблемаларини ҳал қилишга қаратилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиқ техникасининг катта қисми модернизация қилинди, қудратли трактор ишлаб чиқариш ўзгариштирилди, универсал пахта тератиш машинаси яратилди. Янги машина пахтанинг исроф бўлишини камайтиради ва сифатини яхшилашга имкон беради. Шаҳар қорхоналари томонидан 40 минг бошқа мўлжалланган чораконлар, қўшма қилиш қўрилари ва ёрдамчи хўжалиқлар ташкил этилди. 1983 — 1985 йиллар мобайнида эса яна юз минг бошқа мўлжалланган ана шуларча комплекслар баеро этилади. Бу эса шаҳар меҳ-

наткашларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиди. Ўртоқлар! Биз Қ. А. Аҳмедов ва В. Муродхўжаев ўртоқларнинг докладларини катта эътибор билан тингладик. Тошкентнинг партия ва совет органлари, депутатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, Ўшнинг интенсив омилларидан тўлақон фойдаланиш, интизомий мустаҳкамлаш, давлат олдидagi мажбуриятларини бажарилиши учун кадрлар масъулиятини кучайтиришга қаратилган йўлни яқинлик билан амалга оширишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленуми қарорлари, шунингдек, ҳозирги сессияда қўриб чиқилган таълим этилган 1983 йилга таъминлаш республика халқ хўжалиқини план ва бюджет лойиҳалари бизни ҳудди ана шунга ундайди.

Шаҳар экономикасида маъжуд бўлган барча резерв ва имкониятларини ишга солиш зарурати ҳам биздан шунинг тароққ эътибор. Саноатнинг айрим тармоқлариди ишлаб чиқариш қувватлариди тўла фойдаланилмайпти. Бир қатор завод ва фабрикалар замонвий талабларга жавоб бермайди, уларнинг реконструкцияси сўст суьратларда олиб боришмоқда. Капитал қурилишида ҳам ҳамма иш қўнғилдагидек эмас: объектларни ишга тушириш муддатлари кенгайтирилиши, қурилиш сифатининг пастилиги ҳолларига йўл қўйилмоқда, турар жой қурилишида ҳам қийинчиликлар бор.

КПСС Марказий Комитети Сибей бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленумида қилган докладиди ҳал қилиш йўллари аниқ қўриқиб ўтилган бу камчиликларни бартараф этиш устида партия, совет органлари, касабасоюз ва комсомол ташкилотлари, шаҳарнинг барча меҳнаткашлари қатъият билан иш олиб борадилар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг бош йўналишлариди ўз куч-гайратини жамлаб, республика Министрлар Советиди, Давлат план комитетиди бир қатор масалаларда бизга ёрдам қўрсатилишини сўраймиз. Шаҳарнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожланиши суьратлари ана шу масалаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ.

Тошкентда катта миқдорда турар жой қурилиши амалга оширилаётганига қарамай, мамлакатнинг кўпгина йирик шаҳарларига нисбатан аҳоли жон бошига турар жой камроқ туғри келмоқда. Турар жой фондиди бир қисми эскирган, канализацияси йўқ, марказий иситиш системасига эга эмас. Турар жой қурилиши суьратларини юксалтириш, кўп қаватли бинолар қурилишини кенг жойрий этиш, унинг сифатини оширишининг бирдан-бир имконияти шаҳар қурилиш индустрияси базасини тез суьратлар билан ривожлантириш ва реконструкция қилишидир. Турар жой қурилиши суьратларини тезлаштириш билан бирга шунга мос равишда коммунал тармоқларни ҳам ривожлантириш зарур. Тошкентни барқарор, ишончли электр энергия, газ ва айниқса иссиқлик билан таъминлаш галдаги муҳим тармақдир. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Советиди ўн биринчи беш йилликда ва 1990 йилгача шаҳарни электр, иссиқлик ва газ билан таъминлаш бош схемасини ишлаб чиқиш ҳақида илгуси йилдаёқ уни амалга оширишга киришиш тўғрисида республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигига ва «Союзбенгапром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасига курсатма беришини сўраймиз. ТашГРЭСни реконструкция қилиш ҳам жуда зарур бўлиб қолди. Мутахассисларнинг баҳосига кўра, бу Тошкентни барқарор иссиқлик билан таъминлашнинг мустаҳкам асоси бўлиши мумкин. Ўртоқлар! Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилга таъминлаш билан бюджетни КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажарилиши янги муҳим бўлиши бўлиб қолди. Тошкент шаҳрида сайланган депутатлар республика олий Совети доимий комиссиялари хулосаларини, киритилган тузатишлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда уларни тасдиқлаш ҳақидаги тавлифларни қўллаб-қувватлайдилар. Шаҳар меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг социал-иқтисодий вазифаларини, коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун барча куч-гайратларини сафарбар этилади, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон ССР Олий Советини ишонтиришга ижозат бергайсиз. (Қарсақлар).

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗГА

Азиз дўстлар!
Йилги, 1983 йил бошланишига ропта-роса бир ой қолди. Мажҳуд аённага кўра «Тошкент оқшом» редакцияси газетанинг мазмуни ва ташқи безаклари юзасидан ўз фикрларини уртоқлаштириш, иш-мизани янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини билдиришини сўраб...

Тошкентликларнинг коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар учун мусобақасини ёритиш газетанинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолаверади.

Газета ҳар доимидек партия иши, белгиланган планларни амалга ошириш учун курашда коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш масалаларига бағишланган материалларни ҳам мунтаза ёритиб боради. Булар энг аввало, «Партия турмуши», «Коммунистлар — авангард», «Идеология ишлари хроникаси» каби доимий рубрикаларимиздир. Ахлюқий проблемалар ва ёш авлоднинг тарбия-лашга, соғлиқни сақлаш ва пойтахтнинг спорт ҳаётига оид масалаларга бағишланган тематик саҳифалар ва туркум материаллар оқшомхонлар эътиборини қозongan. «Коммунистнинг маънавий олами ҳақида оқшом суҳбатлари», «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Тошкентнинг спорт ҳаёти» рубрикалари остида бериладиган материаллар, «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари», «Ветеран» саҳифалари бунга мисол бўла олади. Уларнинг кўпчилигини газетхонларимиз 1983 йилда ҳам ўқишга муссаар бўладилар.

Газетамизнинг танқидий материаллари, хатлар ҳамда «Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби» саҳифаларида эълон қилинган танқидий хабарлар, рейд материаллари ҳамда «Долзарб мавзу» рубрикаси остида бериладиган публицистик мақола-лар матбуот сўзининг таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Вақт имтиҳонидан муваффақиятли ўтган ҳамда ўзининг самарадорлигини кўрсатган шу мавзудаги материаллар 1983 йилда ҳам «Тошкент оқшом» саҳифаларида янада ривожлантирилади.

Албатта, келгуси йилнинг бош мавзуларидан бири 1983 йил кузида нишонланган шонли сана — Тошкентнинг 2000 йиллиги бўлади. Очерклар ва репортажлар, шет ва қўшнлар, ҳикоя ва новелла-лар, фотопортретлар ва фототюжурлар ана шу санага бағишланади. Янгида «Тошкент оқшом» ва ўзбекистон ёзувчилар союзи биргаликда эълон қилган «Тошкент таронаси» конкурси юбилей мавзуси до-му муаллифларимиз диққат марказида туришини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўз-ўзидан равшаник, биз бу ерда 1983 йилда кенг ёрилган рубрикалар ва мавзуларнинг бир қисминини айтиб ўтдик. Бу планларни янада аниқ-лаштириш масаласига келсак, бунда сиз азиз газет-хонларимиз бизга бебаҳо ёрдам кўрсатишингиз мум-кин.

«ПАХТАКОР» КО-МАНДАСИНИНГ 14 ФУТБОЛЧИСИГА «СССР СПОРТ МАСТЕ-РИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛДИ.
МУХЛИСЛАР КУ-ПАЙМОҚДА
ИНТИЗОМ МАСА-ЛАЛАРИГА — ДОИ-МИЙ ЭЪТИБОР



СУРАТДА: «Пахтакор» командаси.

Янгида олий лига командалари ўртасида СССР 45-чемпионати якуниланди. Бу чемпионат низоҳатда қизқарди ва ҳаёқонли бўлди. Командалар ҳужумкор ўйин кўрсатиш билан футбол мухлисларининг ҳам, мутахассисларнинг ҳам эътиборини жалб қилишди. Қизқарди ва муросасиз кураш остида ўтган мавсум маррага етди. Командалар турнир жа-валидан ўзларига муносиб ўринларни эгаллашди. Шунинг-дек, мамлакат биринчилигининг барча совриндорлари ҳам аниқ-ланди.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ўйинчиларидан 14 киши фахрий унвон олишга муссаар бўлди. Команда ўз тарихида иккинчи марта олтинчи ўринни эгаллади. Футбол бўйича мамлакат чемпионати ва СССР Кубоги баҳсларини ўтказиш тўғрисидаги Низомотга кўра команданинг 14 аъзосига «СССР спорт мастери» фахрий унвони берилди. Ана шундай унвонга сазовор бўлганлар орасида Нуриддин Амриев, Хусан Бойматов, Мустафо Билолов, Геннадий Денисов, Александр Журавлев, Виталий Жилкин, Игорь Иванов, Фахриддин Исмолов, Марат Кабаев, Константин Новиков, Игорь Семенов, Анвар Рашидов, Дмитрий Огай, Александр Яновский бор.

Галабани таъминлашда ва фахрий унвонни олишда улар-га халқаро классли спорт мас-тери А. Якубик, спорт мас-терлари С. Бондаренко, А. Петрушин, В. Якимцовлар катта ёрдам кўрсатишди. Бу ўйинчи-лар бошқа клубларда кўрсат-ган хизматлари учун ана шун-дай унвонга сазовор бўлган эдилар.

Мукофотни олаётганда устоз-ларни эсга олмай бўладими, ахир? Команда бошлиғи Добин Шегей, катта тренер Иштван Секей, тренерлар Яков Аранович, Галимзян Хусанов, трен-нер-селекционер Вячеслав Коль-

цовлар кудратли ва жангвор коллективни ташкил қилиш, ёш ўйинчиларни тарбиялаш соҳасида жуда катта ишларни амалга оширишди. Уларнинг жоқуярлиги ва ташаббускор-лиги туғайли «Пахтакор» сунг-ги ўриндан олтинчи ўринга та-сирлиш билан бирга ўз ўйин услубини яратишга муваффақ бўлди. Бу услуб ҳар бир ўйин-чида бор маҳорат ва қобили-ятни ишга солишни, хилма-хил комбинациялар ишлатишни, шиддатли ҳужум уюштиришни талаб қилди.

«Пахтакор» командасининг мастерларини фахрий унвон билан табриқлаймиз. Сизларга ҳаммиса омад ер бўлсин, пах-такорчилар!

Футбол фақат ўйинчиларнинг ўзларигагина завқ бағишламайди. Биринчи навбатда у мух-лисларни ҳаяжонга солиди, ўйлатади. Шу бондан ҳам чемпионат ўйинларини қанча томошабон кўрганлигини таҳ-лил қилиш мақсадга мувофиқ-дир. Мухлисларнинг муносаба-тида ўйиннинг сифати кўрина-ди.

Авалло шунини айтиш керак-ки, ўтган йилга таққослаганда мамлакатимизда стадионга кели-либ футбол ўйинини томоша қилаётганлар камайди. 306 уч-рашуви 5.602107 мухлис кели-либ кўрди. Бу ўтган йилдаги-дан 386.254 томошабон кам демадир. Бунинг бош сабаб-ларидан бири Испанияда футбол бўйича Жаҳон биринчилигининг ўтказилишидир. Кейинги йил-лардаги тажриба шунини кўрсат-

моқдаки, Жаҳон ва Европа чемпионатларидан кейин барча қитъаларда стадионга келиди-ган томошабонлар камаяди... Аммо бу асосий сабаб эмас. Айрим клублар яхши ўйин кўр-сатмаганликлари, ўзларининг турнирдаги тақдирларига бе-фарқ қараганликлари туғайли ўз мухлисларини ранжитиб қўйишди.

Аммо «Пахтакор»ни бундай командалар қаторига қўшиб бўлмади. Команда мухлислари ўтган йилдагидан 173.866 ки-шига кўпайди. Шуниси қизи-қарлики, клубнинг ўйинини ўз майдонида эмас, ўзгаларнинг майдонида қизиқиб томоша қи-лишди. «Пахтакор»нинг ўз майдонида ўтказган учрашу-вларини 265.000 томошабон кўрган бўлса, сафардаги учра-шувларини 272.550 футбол мух-лиси томоша қилди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда дадил айтиш мумкинки, «Пах-такор»ни ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатимиздаги футбол мухлислари севишади.

«Арабат» ва «Шахтёр» ко-мандаларининг ўйини ҳам мух-лисларнинг эътиборини тор-томоқда. Мамлакат чемпиони — Минскийнинг «Динамо» коман-даси эса улар учун энг сеvimли команда бўлиб қолди. Бунинг боиси бор, албатта. Бу коман-далар ҳужумкор ўйин кўрсат-тишапти.

Энди бошқа фактларга му-рожаат қилайлик. Интизом ҳа-қида суҳбатлашайлик. Дарҳа-қиқат, коллективдаги интизом ўйиннинг сифатига, коллектив-

Редактор Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Шундай қилиб, сиз келгуси йилда газетамиз қандай бўлишини истайсиз?

Ишлаб чиқариш, турмуш, ахлюқий проблемалардан қайси бирини «Тошкент оқшом» саҳифаларида муҳокама қилишни лозим деб топасиз?

Бу йил эълон қилинган материаллардан қайси бири айниқса сизнинг эсингизда қол-ди ва нима учун?

Қандай янги рубрикаларни таклиф этишни ва мавжудларидан қайсыларини қолди-ришни истардингиз?

Бизнинг тематик саҳифаларимиз нимас билан сизга ёқди ва қайси жиҳатлари сиз-ни қониқтирмайди?

Хатлар саҳифамизда қандай масалани кўтаришни истардингиз?

Ўзингиз билан ёнма-ён яшаётган ёки ишлаётган қизиқ тақдирли кишининг исмини ай-тинг. «Тошкент ва тошкентликлар» рубрикаси остида улардан қайси бири ҳақидаги ҳикоя-ни ўқишни ёки ўзингиз у ҳақда ҳикоя қилишни истайсиз?

«Тошкент оқшом»да босилаётган ахборотлар сизнинг эҳтиёжингизни қондириятими? Сизнинг назарингизда қандай янгиликлар ва воқеалар эътиборимиздан четда қолмоқда?

Маълумки, бизнинг газеталаримиз оқшомда чиқади. Оила даврасида ёки шанба оқшом-ида унинг саҳифаларида қандай материалларни ўқишни хоҳлайсиз?

Газетамизни қачон оласиз: чиққан кунни кечқурунми ёки келгуси кунни эрталабми? Шу муносабат билан уни етказиб бериш хизмати шаънига қандай эътирозларингиз бор?

Бу йил газетамиз босилишининг офсет усулига ўтди. Агар эътибор берган бўлсангиз, бу унинг полиграфик яхросини яхшилади, газетанинг ташқи кўриниши жозибалироқ бўлиб қолди. Аммо газета сифатини яхшилашнинг имкониятлари чексиз. Шу бондан сизнинг бу борадаги таклифларингизга мунтазиримиз.

Қадрли газетхонлар, сизнинг жавобларингизни кутамиз. Уларни қуйидаги адресга юбо-ринг: 700000, Тошкент, Ленин кўчаси, 41-уй, «Тошкент оқшом» газета редакцияси. Кон-вертда «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ—83» деган белги қўйишни унутманг.



Собир Раҳимов райондаги ўрта мактабларнинг ўқувчилари ишлаб чиқариш жараёнлари билан тани-шиш мақсадида тез-тез шахримиз корхоналарида бўлиб турадилар.

СУРАТДА: шу районга қарашли 22-мактаб ўқувчиларидан бир груп-паси дурадгорлик буюмлари заводид-а экскурсия пайтда.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

meamp

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/ХII да Ун учинчи раис, 2/ХII да Келинлар кўзғолони, 3/ХII да Со-нов рицарь. МУКИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/ХII да Олифга 2/ХII да Диллаф-рўзга 3/ХII да Ишон-масанг ўламан.

ШУРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракционни гастроллари (19.30).

кино

1 ДЕНАБРА ХУЖОНАТЛИ ФИЛЬМЛАР: «ШАХСИЙ МАНФААТСИЗ» — Кўнча. «ҚАЙНОҚ ЦЕХ» — Искра. «ИНКИЛОВЧИ БУЛИШ ОСОН

1 ДЕНАБРА ХУЖОНАТЛИ ФИЛЬМЛАР: «ШАХСИЙ МАНФААТСИЗ» — Кўнча. «ҚАЙНОҚ ЦЕХ» — Искра. «ИНКИЛОВЧИ БУЛИШ ОСОН

ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ УЧУН МАВСУМ ЙУҚ, ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАР ЭСА ЮЗЛАБ ТОПИЛАДИ!

ТУРИСТ ТОШКЕНТ САЁХАТ ВА ЭКСКУРСИАЛАР БЮРОСИ

1983 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БУЙИЧА ҚИ-ЗИҚАРЛИ САЁХАТЛАР ҚИЛИШИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЕССЕНТУКИ — 8 январдан 27 январгача, 19 февралдан 10 мартгача — 20 кун. Баҳоси — 220 сўм. ЖЕЛЕЗНОВОДСК — 21 январдан 7 февралгача, 26 февралдан 15 мартгача — 18 кун. Баҳоси — 195 сўм. ГАГРА — 21 январдан 12 февралгача, 13 февралдан 4 мартгача, 5 мартдан 25 мартгача, 25 мартдан 13 апрелгача — 20 кун. Баҳоси — 225 сўм. СОЧИ («Дагомис» меҳмонхонаси) — 15 январдан 4 февралгача, 19 январдан 8 февралгача, 5 февралдан 25 февралгача, 9 февралдан 1 мартгача, 26 февралдан 18 мартгача, 2 мартдан 22 мартгача, 19 мартдан 8 апрелгача, 23 мартдан 12 апрелгача — 20 кун. Баҳоси — 330 сўм. СОЧИ-ЛАЗАРЕВСКОЕ ПОСЕЛКАСИ (турбазада жойлаши-лади) — 3 январдан 22 январгача, 23 январдан 11 февралгача, 12 февралдан 3 мартгача, 4 мартдан 23 мартгача, 24 мартдан 12 апрелгача — 20 кун. Баҳоси — 212 сўм. ЯЛТА (хусусий секторда жойлашилади) — 6 январдан 26 январгача, 15 февралдан 7 мартгача, 29 мартдан 18 апрелгача — 20 кун. Баҳоси — 255 сўм. ВЛЗУ — ЛЕНИНГРАД — 11 январдан 21 январгача — 11 кун. Баҳоси — 222 сўм. ВИЛЬЮС — РИГА — ТАЛЛИН — 25 январдан 8 февралгача, 26 мартдан 9 апрелгача — 15 кун. Баҳоси — 280 сўм. КИЕВ — МОСКВА — 10 январдан 24 январгача — 15 кун. Баҳоси — 300 сўм. КОПИНО (Ленинград) — 26 январдан 6 февралгача — 12 кун. Баҳоси — 240 сўм. СТРЕЛЬНА-«КРАСНЫЕ ЗОРИ» ПАНСИОНАТИ (Под-московье) — 26 январдан 5 февралгача — 10 кун. Баҳоси — 240 сўм. Самолётда бориб ва келиш, барча шаҳарларда яшаш, овқатланиш, экскурсия хизмати пўтевоканинг баҳосига кирди. ПУТЕВКАЛАРНИ НАНД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ИУЛИ БИЛАН СOTИБ ОЛИШ МУМКИН. Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хйёбони, 5-уй, 8-хона. Телефон 39-13-59.